O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... PALATASI

# 9 май — ХОТИРА ва ҚАДРЛАШ куни

*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

# Постда

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2004 йил 6 май, пайшанба • 19 (3547)-сон

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

**Умумхалқ байрами – 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 59 йиллиги, 2004 йилнинг “Меҳр ва мурувват йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан ва уруш қатнашчиларини моддий рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига 18000 (ўн саккиз минг) сўм миқдорида бир йўла бериладиган пул мукофоти белгилансин.

2. Ушбу қарорни рўёбга чиқариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати мазкур пул мукофотларининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази, “Нуроний” ва “Маҳалла” жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъни ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р. Азимов ва А. Азизхўжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ.**

*Тошкент шаҳри,*
*2004 йил 3 май.*

## САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАМАН

***Республика ички ишлар идоралари ходимлари, таълим муассасалари ўқитувчи-профессорлари, курсант ва тингловчилари, Ички ва Қоровул қўшинлари ҳарбий хизматчилари, барча ишчи ва хизматчилар, меҳнат ҳамда уруш фахрийларини, уларнинг оила аъзоларини 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан самимий қутлайман.***

***Ватан мустақиллиги, юрт тинчлиги йўлида қурбон бўлган азиз юртдошларимизнинг порлоқ хотираси қалбларимизда абадий сақланиб қолади.***

***Фахрийларимизни эъзозлаш, уларга иззат-ҳурмат кўрсатиш, ёшларимизни Ватанга, халққа, хизмат бурчига садоқатли, фидойи қилиб тарбиялашда уларнинг бой ҳаётий тажрибасидан фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.***

***Ушбу айём муносабати билан барчангизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий бахт, юртимизга тинчлик ва осойишталик тилайман.***

**З. АЛМАТОВ,**
*Республика Ички ишлар вазири,*
*ички хизмат генерал-полковниги.*



### УШБУ СОНДА:

КЎНГИЛЛАРГА КЎЧГАН ИЗЛАР



3

МЕНИНГ КИМЛИГИМНИ ЭЛ БИЛСА БЎЛДИ...



4

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



14

ШОИРГА ЭҲТИРОМ



15

*Шунингдек, газетамиз саҳифаларида кроссвордлар, спорт хабарлари, криминал воқеалар ва бошқа материаллар билан танишасиз.*

*Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё*

*Ҳақиқатни бетўхтов такрорлаб туриш керак, чунки атрофимизда ҳамиша хатолар такрорланиб туради.*

**ГЁТЕ.**

UCHINCHI «Постда» gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SALOMATLIK SABOQLARI SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

+ TV OLAM

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

# БИНО КАЛИТИ ТОПШИРИЛДИ



**Гулистон тумани ички ишлар бўлими ходимлари кўпдан бери талабга жавоб бермайдиган бинода фаолият кўрсатишар эди. Ўтган йили туман ҳокимлиги томонидан ИИБ учун янги бино ажратилди. Олти ой ичида ходимлар ҳашар йўли билан 60 хонадан иборат бинони замонавий услубда тўла қуриб битказдилар. Ўтган ҳафта шу муҳташам бинонинг очилиш маросими бўлиб ўтди.**

Тадбирни Гулистон тумани ҳокими М. Сатторов кириш сўзи билан очиб, барча шахсий таркибни янги, барча шарт-шароитларга эга бўлган бино билан табриклади. Шундай сўнг сўзга чиққан Гулистон тумани ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги ички хизмат полковниги Қ. Ҳотамов, Гулистон жомье масжиди имом-хатиби Мўминжон қори Усмонов ходимлар кучи билан қурилган ушбу иморат йиллар давомида эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги учун хизмат қилишига тилак билдирдилар.

Ушбу тадбирда иштирок этган республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Ҳ. Ибрагимов туман ИИБ бошлиғи, милиция майори П. Сафаровга бинонинг рамзий калитини топширди.

**Қ. КАРИМОВ,**
*милиция капитани.*

**Суратда: *янги бинонинг кўриниши.***

***Муаллиф олган сурат.***

# МЕҲР – БУЮК НЕЪМАТ

**Китоб туманидаги "Меҳрибонлик уйи"да 115 нафар бола тарбияланади. Тарбияланувчиларнинг кўнгилдагидек камол топиши, ўқиб-ўрганишлари учун бу ерда барча шароит яратилган. Компьютер хонаси, спорт майдончалари мавжуд.**

Меҳрибонлик уйидаги болалар вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркибининг муруввати дан ҳамиша баҳраманд.

Яқинда вилоят ИИБ ЙҲХБ раҳбарияти тумандаги истироҳат боғида "Меҳр – буюк неъмат" мавзуида тадбир ўтказди. Авваллроқ эса тарбияланувчилар Шаҳрисабз шаҳрига саёҳатга олиб борилган эди.



Истироҳат боғида ўтказилган тадбирда туман ҳокими Л. Ғаффоров, вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, ички хизмат майори А. Хушвақтовлар сўзга чиқишиб, тадбир иштирокчиларини самимий қутлашди. Вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг совғалари "Меҳрибонлик уйи" жамоасига топширилди.

"Меҳрибонлик уйи" директори Т. Сатторов тадбирни уюштирган ҳомий ташкилотларга миннатдорчилик билдирди. Тўкин дастурхон атрофида ўйин-кулги давом этди.

**Ў. ҲАЙДАРОВ.**
**З. МАҚСАДОВ олган сурат.**

# ИЖОД МАҲСУЛИ НАМОЙИШИ





**Шу йилнинг 22-28 апрель кунлари Москва шаҳрида ҳуқуқ-тартибот мавзусидаги телекўрсатувлар, детектив жанрида суратга олинган ҳужжатли ва бадиий фильмларнинг анъанавий халқаро фестивали бўлиб ўтди.**

"Жиноятчилик ва терроризмга қарши кураш – бутунжаҳон ҳамжамияти иши" шиори остида бўлиб ўтган анжуманда 30 дан ортиқ мамлакат вакиллари иштирок этдилар. "Қонун ва жамият" номли бу фестиваль жаҳондаги ягона детектив фильмлар фестивалидир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Иттифоқи, Интерпол ва Россия ҳуқуқ-тартибот тизимлари ташаббуси билан ўтказилган анжуманга 120 дан ошиқ ҳужжатли ва бадиий фильмлар, 1200 дан зиёд телекўрсатувлар олти номинация бўйича намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда "Саньат-маъно" киностудияси ҳамкорлигида тасвирга олинган "Қонли олишув" бадиий фильми фестивалда ўз номинациясి бўйича биринчи ўринни қўлга киритди.

Ички ишлар вазирлиги ҳамда Давлат божхона қўмитаси ҳамкорлигида тасвирга туширилган республикамиздаги илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси маҳсули бўлган "Ўлим сўқмоғи" номли 3 қисмли ҳужжатли фильм фестивалнинг "Оғусиз дунё сари" номинацияси бўйича ўтказилган танловда махсус дипломни қўлга киритди. "Умр – буюк иноят", "Айбим нима?", "Огоҳликка даъват" деб номланган ҳужжатли фильмларда инсоннинг жамиятда тутган ўрни, гиёҳвандликка ружу қўйган ёшларнинг фожиали тақдири, улардан туғилган фарзандларнинг аянчли қисматлари ҳамда мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот идораларининг наркомания ва наркобизнесга қарши олиб бораётган фаолиятлари хусусида ҳикоя қилинади.

Ўйлаймизки, қўлга киритилган ушбу ютуқ мамлакатимизда детектив жанрида суратга олинаётган фильмлар сони янада кўпайишига замин яратади.

**Маъмур АБДИЕВ,**
*милиция лейтенанти.*



***Пойтахтимиздаги "Чилонзор буюм бозори" очиқ турдаги акциядорлик жамияти энг йирик савдо мажмуаларидан бири ҳисобланади. Бу ерга ҳар куни минглаб одамлар олди-сотди учун келадилар. Бозорда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаро ва тадбиркорларнинг хавфсизлигини таъминлаш, содир этилган жиноятларни "иссиғида" очиш Чилонзор тумани ИИБ патруль-пост хизмати отряди зиммасига юклатилган.***

**Суратда:** ***Чилонзор тумани ИИБ ППХ отряди командири, милиция капитани Неъматилла Исроилов милиция катта лейтенанти Илҳом Жўраев ва милиция кичик сержанти Зафар Юсуповларга навбатдаги режа топшириқларни тушунтирмоқда.***

**А. КЕНЖАЕВ олган сурат.**

Бизнинг суҳбат

# МУЛК ДАХЛСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЯПМИЗ

**Республикамизда ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарор сақлаш, юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, халқимизнинг турмуш даражасини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлат ва фуқароларимиз мулки дахлсизлигини таъминлаш, жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш турли соҳаларда давом этаётган ислоҳотлар натижасининг муҳим қисмидир.**

**Ҳар бир давлат ва жамиятда ҳамиша долзарб ижтимоий масалалардан бўлмиш мулк ва уни асраш, замонавий қўриқлаш хизмати ҳақида Навоий вилояти ИИБ ҳузуридаги "Қўриқлаш" бўлими бошлиғи, милиция подполковниги М. Уралов қуйидагиларини сўзлаб берди.**

Узоқ тарихдан маълумки, ҳаётда нафақат моддий неъмат, бойлик яратиш, тўплаш, балки уни асраш, қўриқлаш ҳам муҳим ҳисобланган. Чунки жамиятда бировнинг молига, жонига қасд қилиш, меҳнатсиз текин даромад топиш, енгил-елпи ҳаёт кечиришни истаганлар, афсуски, мавжуд. Шундай кимсалар бор экан, мулкни қўриқлашга бўлган эҳтиёж ва талаб сусаймайди.

Қўриқлаш хизмати мамлакатимизда давлат миқёсида мулк ҳимоясини таъминлаш борасида хизмат кўрсатаётган ягона ихтисослашган ташкилот ҳисобланади. Фан-техника тараққиёти мазкур хизматни қулай, ишончли бошқариш, зарур замонавий жиҳозлар билан таъминлаш имкониятини яратди. Бу эса қўриқлаш тизимининг ишончлилик даражасини ошириб, хизматимиздан фойдаланиш истагини билдираётган юридик ва жисмоний шахслар сонининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам "Қўриқлаш" бўлинмалари олдида турган асосий вазифалардан бири, бу – соҳамизда замонавий техника воситаларини қўллашдан иборатдир. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, мазкур хизмат ходимлари малакасини ошириш, касбга тайёргарлик ва ўқув машғулотлари сифатини ошириш, моддий-техника негизини такомиллаштириш, замонавий алоқа ва сигнализация воситалари билан таъминлаш борасида фаол ишлар олиб борилаяпти.

Бугунгача вилоят "Қўриқлаш" бўлинмалари томонидан жами 704 та халқ хўжалик иншоотлари ва 300 дан ортиқ фуқаролар хонадонлари ҳамда тадбиркорлар мол-мулки МҚП (Марказлашган қўриқлаш пункти)ларига уланган ҳолда ишончли қўриқланмоқда. Шу кунгача қўриқдаги халқ хўжалик иншоотларидан бирортасида қўриқлаш хизмати ходимларининг хатоси билан ўғирлик содир этилмади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш давр талаб этаётган мулк шакллари сирасига киради. Бунинг натижаси ўлароқ кун сайин мулкдорлар сафи кенгаймоқда. Бу эса қўриқлаш бўлинмалари хизматига янада эҳтиёж ошишига олиб келади. Вилоятдаги юзлаб тадбиркор фуқаролар хизматимиздан омилкорлик билан фойдаланмоқдалар. Оқибатда содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг, айниқса, ўғирликларнинг олди олинаётир. Йил давомида 30 та (ўтган йили 125 та) жиноят қўриқлаш бўлинмалари ва бошқа хизмат ходимлари билан ҳамкорликда фош этилди.

Мисолларга ўтишдан олдин соҳамизга оид зарур тадбирлар ҳақида айтиб ўтмоқчиман.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қўриқлаш хизмати рентабеллигини кўтариш мақсадида вилоят оммавий ахборот воситалари имкониятидан фойдаланган ҳолда халқ хўжалиги иншоотлари ва фуқаролар хонадонларини қўриқлашга топшириши борасида ўнлаб чиқишлар уюштирилди. Натижада 80 та халқ хўжалик иншооти янгидан қўриқлашга қабул қилинди ва 200 дан ортиқ фуқаро хонадони марказлашган қўриқлаш пунктларига уланди.

Энди бевосита мисол ва далилларга ўтадиган бўлсак, Навоий шаҳар ИИБ навбатчилик қисмига "Суғдиёна" спорт клуби директори хат орқали мурожаат қилиб, номаълум шахслар спорт майдонидан жами нархи 585.792 сўмлик 30 дона резина тўшакларни ўғирлаб кетганлигини маълум қилган. Ушбу ҳолат юзасидан шаҳар ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда қўриқлаш бўлими саф ротаси сардори, милиция катта лейтенанти И. Муродов томонидан олиб борилган тезкор қидирув натижасида ўғирлик жиноятини содир этишда гумонланган, Кармана туманида яшовчи икки нафар фуқаро ушланди. Улардан далилий ашёлар олинди. Ёки бошқа бир мисол: Беруний кўчаси 26-уйда яшовчи Раъно Бўронова мурожаат қилиб, Кармана тумани Улуғбек кўчаси 10-уйда яшовчи Раъно Саидова уни алдаб, Кармана тумани Беруний кўчасида яшовчи Розия Қаххарова номида бўлган рақамсиз ҳовлини 2,5 миллион сўмга сотиб, пулни ўзлаштириб юборганлигини маълум қилган эди. Ушбу ҳолат юзасидан, Кармана тумани ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда туман қўриқлаш бўлинмаси милиционери, милиция сержанти Б. Исмоилов томонидан олиб борилган тезкор-қидирув ишлари натижасида фирибгарлик жиноятини содир этишда гумонланган фуқаро Раъно Саидова қўлга олинди. Мазкур ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди.

"Қўриқлаш" хизмати ходимларининг иштироки ва жонбозлиги билан очилган жиноятлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Асосийси бу эмас, бизнинг мақсадимиз зиммамизга юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, фаолият юритиш, қўриқланаётган объект ва фуқаролар хонадонларидаги моддий бойликларни ишончли ҳамда бут сақланишини таъминлаш, халқ хўжалигининг янги иншоотларини қўриққа олиш, уларни замонавий сигнализация воситалари билан жиҳозлашдан иборатдир.

**Р. АШУРОВ суҳбатлашди.**

# ТАДБИРЛАР КЎЛАМИ КЕНГ

Хоразм вилоятида Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан вилоят ИИБ бошлиғининг буйруғига кўра режа ишлаб чиқилиб, жойларда кенг кўламли тадбирлар ўтказилмоқда. Бу ҳақда вилоят ИИБ ШТБИХ катта инспектори, милиция катта лейтенанти Рўзибой Машарипов шундай деди:

– Ҳар йилгидек бу йил ҳам Хотира ва Қадрлаш кунини уюшқоқлик билан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди. Бошқарма бошлиғининг буйруғи билан Хива шаҳридаги 20-Меҳрибонлик уйи ҳамда Урганч шаҳридаги 11-Болалар уйи тарбияланувчилари бошқарманинг барча соҳавий хизматларига ҳамда шаҳар ва туман ИИБларига бириктирилди. Ходимлар тарбияланувчилар ҳузурида бўлишиб, қизиқарли учрашувлар, хотира кечалари ўтказишмоқда. Болаларга турли-туман совғалар топширияпти. Шунингдек, вилоятимиз ҳудудида истиқомат қилаётган уруш қатнашчилари, хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган ички ишлар идоралари ходимлари, фахрийлар ҳамда ёлғиз яшаётганлар, ногиронлар хонадонларида бўлиб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. Уруш қатнашчиларини 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни вилоят ИИБда ўтказиладиган тадбирга таклиф қилиш режалаштирилган.

Хотира ва Қадрлаш куни воҳамизнинг барча шаҳар ва туманларида кенг нишонланади.

**Х. ЖАББОРОВ.**

**9 май — Хотира ва Қадрлаш куни**

**Аллоҳ берган умрни кимдир тошиб-жўшиб, яна кимдир эса сокин ва салобат билан яшаб ўтади. Бир лаҳзалик умрни одамларга яхшилик қилиш, уларнинг ҳожатини чиқариш ёки бошқалар манфаатларини ўзиникидан кўра устунроқ кўриб яшаш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бутун ҳаётини эл-юрт осойишталиги йўлига бағишлаган, ички ишлар тизимининг отахони, кўплаб шогирдларнинг табаррук устози, истеъфодаги милиция полковниги Эшонхон Набихўжаев ана шундай инсонлардан бири эди.**



# ПОК ҚАЛБЛИ ИНСОН ЭДИ

Илмга чанқоқ, интилувчан Эшонхон ака мактабни намунали хулқ ва аъло баҳолар билан тамомлагач, болаликдаги орзусига етишиш учун милиция мактабига ўқишга кирди. У ички ишлар идораларидаги фаолиятини 1946 йилда бошлади.

1948 йилдан эса тиниб-тинчимас ходим, милиция катта лейтенанти Эшонхон Набихўжаев Ички ишлар вазирлигининг уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлимида катта тезкор вакил бўлиб ишлай бошлади. 1951-54 йилларда Тошкент шаҳар милициясининг турли лавозимларида фаолият юритди. Раҳбарият Э. Набихўжаевни Яккасарой тумани ИИБ бошлиғи лавозимига тайинлашди. Орадан бироз вақт ўтгач, Э. Набихўжаев Ички ишлар вазирлиги жиноят қидирув бошқармасига раҳбар этиб тайинланди. Истеъфога чиққунига яна бир қатор лавозимларда ишлади. Эшонхон аканинг фарзандлари ҳам ўзи каби эл-юрт корига ярайдиган инсонлар бўлиб етишди. Қизлари Малика, Раъно ва Гўзаллар халқимиз саломатлиги посбонларидир. Набираси Донохон Расулова бобосининг изидан бориб, ички ишлар соҳасида хизмат қилиб келмоқда.

Эшонхон ака Набихўжаев умрининг ҳар бир дақиқасида эл-юрт осойишталигини сақлашга ҳеч кимга озор бермай яшашга интилар, тириклик мазмуни – одамларни севишда, уларга яхшилик қилишда деб биларди. У ҳар доим ҳамма билан самимий суҳбат қурар, қайси ишга қўл урмасин, эътиқод ва иштиёқ билан бажаришга интиларди. Эшонхон ака ўзи кишининг кўрки, унинг билими ва ҳунарида деб биларди.

Эшонхон аканинг ёрқин сиймоси, порлоқ хотираси унинг меҳр-мурувватидан баҳраманд бўлган инсонлар ёдидан асло ўчмайди.

**Самариддин ХАЛИЛОВ.**

***Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси раҳбарияти, бошқарма Ўқув маркази маъмурияти ҳамда Қува тумани ҳокимлиги “Меҳр ва мурувват йили”да яна бир хайрли ишни амалга оширдилар. Вилоят ИИБ раҳбариятининг ташаббуси ҳамда Қува тумани ҳокимининг қарори билан “Қува” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги кўчаларнинг бирига кўп йиллар ички ишлар идораларида самарали хизмат қилган, марҳум милиция полковниги Эргашали Асроновнинг номи берилди.***



# НОМИ АБАДИЙЛАШТИРИЛДИ

Милиция полковниги Э. Асроновни танимаган одам камдан-кам топилади. Милициянинг беқиёс заҳматларини бошидан кечирган Эргашали ака 31 йилдан зиёд давр мобайнида қайси лавозимда хизмат қилмасин, зиммасидаги вазифани бошқаларга ибрат бўладиган даражада адо этарди. Юксак билим ва бой амалий тажрибага эга бўлган Э. Асронов аввал Тошкентдаги ўрта махсус милиция мактабини, сўнгра Тошкент Олий милиция мактабини, ундан кейин эса собиқ иттифоқ ИИВ Академиясини тамомлаган эди. Ўз фаолиятини туман ИИБ иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси инспекторлигидан бошлаб, кейинчалик жиноят-қидирув хизматида катта инспектор, Қува ҳамда Қирғули туманлари ИИБ бошлиғининг ўринбосари, биринчи ўринбосари лавозимларида хизмат қилди.

Хизмат фаолиятининг энг салмоқли даври 1989 йилдан 2000 йилгача вилоят ИИБ Ўқув марказига раҳбарлик қилган йиллар эди. Унинг моддий-техникавий таъминотини яхшилаш, тингловчиларнинг зарур касбий кўникмаларни олишлари учун шароит яратиб бериш, хуллас, Ўқув марказини замон талабларига жавоб берадиган тарзда фаолият кўрсатишини таъминлаш учун Эргашали ака тинимсиз изланди.

Тингловчиларни соҳага йўналтиришнинг янги замонавий услуб ва тажрибаларини жорий этишдаги ташкилотчилик, ўқитувчиларга нисбатан талабчанлик, уларнинг назарий, ҳам амалий тажрибаларини ошириш, жисмоний ва жанговар тайёргарлигини юксалтириш учун изланишлар, шу орқали жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш, жамоат тартибини сақлашдек муштарак мақсадга муносиб ҳисса қўшиш Эргашали ака Асронов хизмат фаолиятининг асосини ташкил этди.

Милиция полковниги Э. Асроновнинг фаолиятининг сўнгги даврларида вилоят ИИБ ҲООБ бошлиғининг ўринбосари лавозимида хизмат қилган эди.

Марҳум ҳамкасбимизнинг номини абадийлаштириш муносабати билан Қува тумани “Қува” маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси остида ўтказилган маросимга вилоят ИИБ бошқарма Ўқув маркази, туман ҳокимлиги вакиллари ва маҳалла аҳли ташриф буюрдилар.

Тадбирда сўз олган Ўқув маркази бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Холбек Юсупов Эргашали Асроновнинг хизмат фаолияти, хайрли ишлари ҳақида гапириб ўтди.

Шундан сўнг Эргашали Асроновнинг оиласига эсдалик совғалари топширилди. Марҳумнинг турмуш ўртоғи Мунаввархон Асронова ушбу эзгу тадбирга бош бўлган вилоят ИИБ раҳбариятига, Ўқув маркази маъмуриятига ва бошқа ташкилотларга оила аъзолари номидан миннатдорчилик билдирди.

**Бўрибой ОМОНЗОДА.**

# ЭР ЙИГИТНИНГ ШОНЛИ ҲАЁТИ

Камол Шамсиевни нафақат Қарши шаҳридаги «Ҳарамжой» маҳалласи аҳли, балки вилоятда ҳам иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, қолаверса, халқ посбони сифатида яхши танишади.

80 ёшга кирган Камол отанинг хотираси ниҳоятда тиниқ.

– 1940 йилда Қарши ўқитувчилар техникумини тугаллаб, икки йил Чироқчи туманидаги 7-ўрта мактабда бошланғич синфларга дарс бердим, – дея ёшлик йилларини эслайди у. – 1942 йили урушга кетдим. Ашхободда тайёрлов ойлигини ўтадик. 1943 йилнинг куз ойларида бизни жанг майдонига жўнатишди...

Камол ота 1944 йилнинг охирларида она қишлоғига қайтиб, 19 йил қишлоқ болаларига сабоқ берди. Ўзи камол топган қишлоғидаги мактабга тамал тошини қўйиб, болаларнинг узоғини яқин қилди. Уч йил хўжалик раҳбари лавозимида фаолият кўрсатди. Ундаги тиришқоқлик, тўғрисўзлик, қолаверса, халқ тинчлиги учун ёниб яшашини кўрган вилоят ички ишлар бошқармаси хўжалик бўлими бошлиғи Ҳаққул Худойбердиев К. Шамсиевни ички ишлар соҳасига етаклаб келди. У 1960 йилдан 1963 йилгача Қарши тумани ИИБ профилактика инспектори бўлди. Қарши шаҳар ИИБ да 1983 йилгача турли соҳаларда хизмат қилди. Устозлари, раҳматли, Шариф Ражабов ҳамда бугун қарилик гаштини сураётган Жаббор Шаропов, Очил Норхўжаевлардан касб сирларини ўрганди. 1984 йилнинг бошида Камол отани нафақага кузатишди. Аммо у ўзини бир дам бўлса-да, ҳамкасбларидан йироқ сезолмади. Буни яхши англаган қўриқлаш бўлими ходимлари Камол ота билан 1992 йилга қадар ўзаро ҳамкорликда меҳнат қилдилар.

... 1994 йил 9 май куни Тошкентга чақирилган К. Шамсиев Президентимизнинг Фармонига кўра “Жасорат” медали билан тақдирланди. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас унинг рафиқаси Маҳмуда опа ҳам “Жасорат” медалига сазовор бўлди.

Камол ота Маҳмуда ая билан бирга уч нафар фарзандни оқ ювиб, оқ таради. Ўғли Шарип ака ота изидан бориб, узоқ йиллар вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида самарали меҳнат қилди. Бугун Шарип ака ҳам нафақада.

Камол ота ва Маҳмуда аянинг 21 нафар невара, 6 нафар чеваралари бор. Уруш кўрган, қаттиқчиликнинг бор азоб-уқубатини тотган Камол ота ҳамиша: “Йигит киши ер сотмайди, уни асраб-авайлайди”, дея таъкидлайди. Зеро, аждодлар қалбидаги она юртга бўлган меҳр-муҳаббат авлоддан авлодга ўтиб бораверади.

**Б. ЭРГАШЕВ,**
*милиция старшинаси.*

# ОТА ЙЎЛИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бу фоний дунёда ҳаёт инсон учун ўлчаб берилган. Умрнинг поёни борлигини унутмаган одам шу қисқа вақт мобайнида кўпроқ эзгу ишлар қилишга, ўзидан кейин яхши ном қолдиришга интилади. Шундай инсонлар ҳаётдан кўз юмганларидан сўнг ҳам тириклар хотирасида абадий қоладилар. Марҳум милиция капитани Қобил ака Қодиров ҳам ўз ҳамюртлари ёдида бир умрга муҳрланиб қолган. 1967-1982 йиллар давомида ички ишлар идораларида, асосан, тергов соҳасида самарали хизмат қилган. Истеъфога чиққач, ўзи яшаган Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани “Юқори Тайлоқ” маҳалласи фаоли сифатида эл-улусга бошу қош бўлиб, унинг ташвишига ҳамдард эди. Мазкур маҳалла оқсоқоли Боис Ҳасанов марҳум ҳамқишлоғини шундай хотирлади:

– Қодировлар оиласи маҳалладаги энг ҳурматли хонадонлардан бири ҳисобланади. Раҳматли дўстимиз ўз рафиқалари Мавжуда опа билан биргаликда беш нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказдилар. Уларнинг барчаси ҳаётда ўз ўрнини топиб, ота-онага лойиқ фарзанд сифатида комил инсон бўлиб улғайдилар.

Қобил аканинг шарафли йўлини давом эттириш мақсадида фарзандларидан иккитаси осойишталик посбони касбини танлашди. Мана, ўн йилдан буён милиция старшинаси Алишер Қодиров ва милиция катта сержанти Қаҳрамон Қодировлар Самарқанд шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимида самарали хизмат қилмоқдалар.

**Анвар ҒУЛОМОВ,**
*милиция майори.*



**Инсон бу дунёда орттирган молу давлати, эришган шон-шуҳрати билан эмас, одамлар учун қилган эзгу ишлари, ўрнак олса арзийдиган ҳислатлари билан ном қолдиради. Унинг ҳаёт йўллари, босган қутлуғ излари кўнгилларга кўчади, хотираси қалблардан қалбларга ўтиб яшайверади. Ана шундай юксак фазилатли инсонлар қаторида Меҳмонали ака Абзалов ҳам бор.**

# КЎНГИЛЛАРГА КЎЧГАН ИЗЛАР

У кишининг ўсмирлик даври машъум уруш йилларига тўғри келди. Очлик, юпунлик кунларни бошидан кечирган одамнинг ҳаётга муҳаббати улуғроқ бўлади, дейишгани рост экан. Мактабдан бўш вақтларида далада ишлар, деярли йил ўн икки ой бирор фойдали иш билан машғул бўларди.

1948 йилда Тошкентга келиб, милиция мактабига ўқишга кирди. Касбини жуда севадиган, билдирилган ишончга ўта масъулиятли эканини хизмат давомида кўп марта исботлади. Оддий ходимликдан туман ИИБ бошлиғигача бўлган лавозимларда ишлаб, аввало, ҳамкасблари, юқори ташкилотлар, қолаверса, фуқаролар ишончини оқлади.

Меҳмонали Абзаловнинг Ш. Рашидов туманида хизмат қилган даври унинг фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Мирзачўлни ўзлаштириш йилларида республикамиз вилоятлари қўшни Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистондан кўплаб одамлар кўчиб кела бошлашган. Уларни уй-жой, иш билан таъминлаш билан бирга осойишталикни сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш асосий вазифалардан бири эди. Милиция майори М. Абзалов раҳбарлик қилган туман ички ишлар бўлими ходимлари бунинг уддасидан чиқдилар.

М. Абзаловни қўл остидаги ходимларга нисбатан қаттиққўл, талабчан бўлганлигини бот-бот таъкидлашади. Айни пайтда юмшоққўнгил ва меҳрибонлигини ҳам тилга оладилар. Бу фазилатини оиласида ҳам бирдай намоён этган.

Меҳмонали ака Абзаловнинг зийраклиги ва синчковлиги туфайли биронта жиноят очилмай қолмасди.

– 1974 йилда, – дея эслайди Сирдарё вилояти ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги милиция полковниги Турсунбой Раҳмонов. – Меҳмонали Абзалов Ширин шаҳар ИИБ бошлиғи эди. Шаҳарнинг “Энергетиклар” кўчасидаги уйлардан бирида қотиллик содир этилган. Тезкор гуруҳ таркибида воқеа жойига бордик. Мудҳиш ҳолатни кўздан кечирар эканмиз, айтарли жиноят изи қолмаганидан нима қилишни билмай тургандик. Меҳмонали Абзаловнинг ўзи келиб қолди. У атрофга бир-икки бор кўз югуртирди-да, прокуратура терговчисига нималарнидир тушунтирди. Кейин жиноят қидирув бўлими ходимига:

– Эрталаб ҳушёрхонага келтирилган йигитлардан бирининг костюмида кичкина қон доғи бор эди, тезликда шуни сўроқ қилинглар, – деди.

М. Абзалов янглишмаган экан. Суриштирувда ўша йигит қотиллик қилганини бўйнига олиб, воқеани айтиб берди.

Фидойи инсон фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Унинг умр дафтари кўплар ўқиб ибрат олса арзийдиган сатрларга тўлганди.

Меҳмонали ака Абзаловнинг фарзандлари, шогирдлари, сафдошлари ҳақли равишда фахрланадилар. Чунки уни таниган, билганлар фақат илиқ сўзлар билан тилга олишади. Зеро, яхшилик билан қолган из ўчмайди, кўнгилларда абадий қолади.

**Умрзоқ ҒАФФОРОВ,**
*милиция катта сержанти.*

**Турғун НОРҚУЛОВ,**
*журналист.*

Жасоратингизни Ватан унутмайди

**Юртимизга ажал, ёвузлик бошлаб келган террористик гуруҳнинг қурбони, милиция сержанти Отабек Абдусаитович Қуватов ҳақида газета шундай хабар тарқатди: “О. Қуватов 1978 йилда Самарқанд вилояти Пайариқ туманида туғилган. Ўрта мактабни тамомлаб, армия сафида хизмат қилган.**

**1999 йилдан буён ички ишлар идораларида ишлаб келади. Дастлаб у Тошкент шаҳар ИИББ конвойлик хизмати алоҳида милиция батальонида милиционер, 2003 йил ноябрь ойидан Шайхонтоҳур тумани ИИБ ППХ гуруҳида фаолият юрита бошлади.**

**Хизмати муносиб рағбатлантирилган”.**

# МЕНИНГ КИМЛИГИМНИ ЭЛ БИЛСА БЎЛДИ...



“Ота-она йўқотган фарзандини қалбига кўмади, то тирик экан, уни унутолмайди” – Отабек Қуватов туғилиб ўсган қишлоқ томон йўл олганимда юқоридаги қайғули иқрор қайта-қайта ёдимга тушаверди. Гарчи улар жасур ўғлонларини тупроққа топширишганига икки ҳафта бўлган эса-да, азадор, мотамсаро ота-она, қайғуга ботган келинчак Мунираннинг кўзига қандай қарайман, нима дейман, улар мени тушунишармикан, деган изтиробли ўйлар таъсирида эдим.

Шу куни Пайариқнинг олис Тойиршайх қишлоғи, Отабекни таниган билган барча мотам тутди, йиғлади. Унинг ўлими шунчаки одатий эмас, юртга тинчлик бахш этган, ёвуз кучларга қарши тура олган, жасоратга тўлиқ ўлим эдики, буни дафн маросимида иштирок этган вилоят ҳокими Р. Холмуродов, вилоят ИИБ бошлиғи, милиция генерал-майори С. Асатов ва жамоатчилик қайта-қайта таъкидлаб, ёшларни ундан ўрнак олишга, эл-юртга садоқатли бўлишга чақирдилар...

Кўплар Отабек Қуватов яшаган уй, яқинлари ҳақида сўрашади. Қишлоқларимизга хос оддийгина, саранжом-саришталы уй. Тупроқ йўл, самимий, содда қўниқўшнилар, дўстлар, ака-ука, опа-сингил ва меҳрибон ота ва она. Отабек ана шу азиз хонадон остонасидан пок ниятлар, орзу-ҳавас билан чиқиб, яна шу остонага, шу макон-манзилга қайтди. У ўз уйи, ота-онаси бағридан умидларга тўлиб учган эди. Ва яна ёруғ юз, ёруғ шаън билан қайтди. Минглаб тенгдошлари орасидан ўз ўрни, номи, шарафини топиб, ғолиб қайтди.

Жон ширин, ҳаёт гўзал, яшаш унданда гўзал бир пайтда, айни навқирон ёшда, орзу-ҳавас кўрмай бу ёруғ оламдан кетиш...

Аллоҳ берган умрга қарши ўқ отиш, исён, ёвузлик...

Бу икки қиёс бир-бирини инкор этади, бири иккинчисидан “Нега?” деб сўрайди, жавоб кутади. Хоинлар эса қилмишини ҳеч қачон, ҳеч нима билан оқлаёлмайди, икки оламда ҳам улар ҳақнинг олдида жавоб берадилар.

– Бировга ола қарамасди, мўмин-қобил, меҳрибон, раҳмдил бола эди, – Абдусаит ота кўзида ёш билан ўғлининг фазилатларини ёд этди. – Яхшига кун йўқ, ёмонга ўлим, деганига ишонмасдим. Юрак-бағримни тилиб кетди, онасини куйдириб кетди, болаларини менга ташлаб... кетди. Унда гуноҳ йўқ эди-ку, фаришта болам-а, суянганим, орқатоғим Отабегим...

Отанинг унсиз йиғисига онанинг овози қўшилди, ака, ука бирородарлар йиғилганлар қўшилди. Назаримда бу йиғи, бу дардли нола хоҳ тирик, хоҳ ўлик бўлсин, Отабекнинг ўлимига сабабчи бўлган ҳар кимсани тинч қўймасди.

– 27 март куни укаси Жамшидни унаштирдик, фотиҳа тўйини ўтказдик, – дея тин олиб гапида давом этади ота. – Телефонда гаплашдим, боролмайман отажон, вақтим зиқ, ишим кўп, укамни менинг номимдан қутлаб қўйинг, деди. Ўшанда нега кел, деб қистовга олмадим, раъйига қарадим? Тўйга келса, балки омон қолармиди?..

Инсон ҳар қандай айрилиқ – жудоликка таскин излайди. Абдусаит ота бу сўзлари билан ярим синган кўнглига таскин излар, ўз-ўзини овунтирар, бир лаҳза, бир зум бўлса-да, айриликни ўзидан узоқлаштирмоқчи бўлар эди.

Отабекнинг дўсту биродарлари кўп экан. Ўша мудҳиш кун – Чорсу бозоридаги “Болалар дунёси” дўкони олдида рўй берган портлашга гувоҳ, ҳамюртлари Отабек Қуватов ва милиция катта сержанти Фахриддин Тиркашевнинг сўнгги лаҳзаларида бошида туриб, уларнинг омон қолишларини сўраб, илтижо қилган ҳамкасби милиция сержанти Ориф Бобоназаров шундай эслайди:

– Эрталабки йўриқномага сафланган эдик. Тугатиб, эндигина тарқалишга ҳаракат бошланганида бехос орқа томонимизда портлаш юз берди. Яқин турганимиздан-ми, шу қадар кучли эшитилдики, беихтиёр қулоғимни беркитдим. Шу заҳоти Фахриддин ака отилиб ерга тушди. Ҳушимни йиғиб дарҳол ёрдамга шошилдим. Гултувакка яқин жойжа Отабек, унинг ёнида старшина Қодир Раҳмонов ҳушсиз ётардилар. Фахриддин аканинг икки елкаси ўртасидан тутиб, бошини кўтардим-да, чалқанча ётқизиб, дўконга отилдим. Қўлимга илинган бир ўрам матони қўлтиқлаб чиқдим. Ҳамкасблар – Улуғбек, Аҳад, Толлибой ҳам ўзларини йўқотиб қўйишмади. Биринчи бўлиб Фахриддин акани, сўнг Отабекни чойшабга олдик, устини ёпдик. Старшина Қодир ака ҳали тирик эди. Уалашини ҳам 1-шаҳар касалхонасига олиб кетишди. Бир зумда икки ҳамюрт, икки биродар ҳамкасбимни йўқотдим. Отабекнинг кўзлари юмулмади, очиқ кетди...



Тақдиринг қил устида турган фоже лаҳзаларни кўрган-билганларга ҳам осон эмас. Хоҳ яқининг, хоҳ бегона бўлсин, узоқ вақт унутолмай қийналади:

– Тўғриси, ўша дамда “Нега мени эмас, уларнинг жонини олдинг?” деб худога ич-ичимдан нола қилдим, йиғлдим, – дейди Ориф. – Тирик қолганимга гуноҳкордек, ҳалигача ўзимга келолмайман. Йўқотиш ёлғизлатиб қўяр экан, қай бир ҳаракатинг тўғри, қай бири нотўғри ўшанда фарқлаёлмай қоларкансан киши. Отабекнинг ён дафтарчасини варақлай туриб, охиррoғида “Почча” деб ёзилган телефон рақамларига кўзим тушди. Дарҳол қўнғироқ қилдим, гўшакни аёл киши олди, билсам, опаси экан. Унга айтолмадим, поччани чақиринг, гапим бор дедим. Чақирди. Бор гапни айтдим...

Сўнг уйга – хотинимга қўнғироқ қилиб:

– Фахриддин акамни касалхонага олиб кетишди, сен Роҳила янгамнинг ёнига чиқиб тур, унга мадад бўл, – дедим. – Аёли ҳомиладор эди. Биз уларнинг уйига яқин турар эдик.

Зумда туман қўриқлаш бўлими бошлиғи, (Фахриддиннинг акаси) милиция подполковниги Мардон Ражабов етиб келди. Ходимларни хизматга жалб этиб, менга юзланди-да:

– Сен касалхонага бораверр, ортингдан тезда етаман! – деди.

Сардор сардор экан-да, ҳушим жойига келиб ўйласам, бу ҳам бир қаҳрамонлик, матонат экан. Мардон ака укаси Фахриддиннинг оғир жароҳат олгани ва уни касалхонага олиб кетишганини эшитса-да, фалокат юз берган жойни, ходимларни, бизни ташлаб кетмади. Касбига садоқат, масъулиятни ҳис этиш, раҳбарга хос етакчилик, ўзгаларга намуна бўлиш дегани шу бўлса керак. Мен буни ўз кўзим билан кўрдим, барига гувоҳ бўлдим...

Ким билан гаплашмайлик, Отабек мард, самимий, кўнгли тоза йигит эди, деб эслайди. Қишлоқ оқсоқоли Бахтиёр Серсенов, ўқитувчилари Ҳиммат Қаландаров, Абдуғани Раймқулов уни ёшларга ўрнак бўларли фазилатлари ҳақида фахрланиб гапирдилар. Бу ёруғ оламдан эрта кетганлар ҳақида, айниқса, Отабек, Фахриддин каби жасур ўғлонлар ортидан яхши сўзлар айтмоғимиз қарз. Эслашимиз лозим бўлган яна бир мунис, фариштадек пок она, Отабек билан бирга гулдек фарзандлар ўстираётган, орзулари олам қадар Мунира Қуватова ҳам борки, биз тирик бандалар ҳамиша унинг олдида қарздормиз. У уч ёшар ўғилчаси Жавоҳирни бағрига босиб ҳузуримизга чиққанида, бу маъсум гўдакни етим қолдирган сохта диндор, иймонсиз қотил аёлга нисбатан нафратимиз янада аланга олди...

Сўнгги сўз ўрнида орзулари гуллаб турган чоғида бева қолган Мунира Қуватованинг гапларини эслайман:

– Ҳамиша хаёлим у кишида эди. Негадир йўқотиб қўйишдан қўрқардим. Якшанба куни “Қўйлиқ” бозоридан бир ҳафтага етгулик бозор қилиб келдилар. “Нима ейсиз, айтинг?” – деб сўрасам, “Ҳеч нима емайман, ўғлим билан ўйнагим келаяпти” деб Жавоҳир билан роса тортқилашди, бир-бирини қувлашиб кулишди...

Кийимларини дазмоллаб тахт қилиб қўйдим. Кеч соат еттидан ўтганда, ишга кетаман деб безовта бўла бошладилар. Кетаман, дейди-ю ҳеч уйдан чиқолмайди, бир нарсасини йўқотгандек, у ёқдан бу ёққа аланглайди, юради. Ҳайрон бўлиб, кузатиб турдим. Ўғлим “Кетманг” деб оёғига ёпишиб олди. “Қолинг” деб уч марта ялиндим:

– Сенга нима бўлаяпти, Мунира, нима, мени биринчи марта ишга кузатаяпсанми? –деб хайрлашиб чиқиб кетди. Ичим куйиб, безовталаниб, ухлаб-ухламай тонг оттирдим. Ҳар гал душанба куни соат ўнлардан кечикмай уйга қайтардилар. Бу сафар... Шу кетганича қайтиб уйимизга келмадилар...

У киши доим: «– Мунира, ҳеч кимга озор берма, ҳаммани ўзингдек, ўзингдан ортиқ деб бил. Қўни-қўшни бирор нима сўраб чиқса, йўқ дема, қуруқ қайтарма. Қилган зиғирча яхшилигингни бировга айтма, ҳеч ким билмасин. Яхшиликни сидқидилдан Худо йўлига бағишла...» – дер эди.

Агар Аллоҳ қалбимизга яхшилик жо этса, эзгу фазилатлар билан сийласа, билингки, бу – бахт. Отабек ана шундай бахтга, жасоратга, ҳимматга дахлдор инсон эди. У ҳақида ҳали кўп-кўп гапиришади, эслашади. Номи тилларда достон, жасорати ёшларга ўрнак, авлодларга фахр бўлади.

**Ражаббой РАУПОВ,**
*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.*

**Суратда:** ***Отабекнинг онаси Ирисгул ая, отаси Абдусаит ака, турмуш ўртоғи Мунира ўғли Жавоҳир билан.***

**Муаллиф олган сурат.**

UCHINCHI OLAM

«Постда» gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR, SALOMATLIK SABOQLARI
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

+ TV

Ғаройибот

# ОДАМХЎРЛАР ОРАСИДА ЎТТИЗ ИККИ ЙИЛ

**Англиялик Уильям Баклининг бошидан кечирган воқеалари саргузашт романга ўхшаб кетади. Аммо буларнинг ҳаммаси асл ҳақиқат.**

## МАХФИЙ РЕЖА

Бакли 1780 йилда туғилди. Унинг отаси унча бой бўлмаган фермер эди. Уильям 15 ёшга тўлганида, тош терувчига шогирдликка беришди. Уста унга бино қуришни ўргатди. Аммо йигитча 19 ёшга тўлганида аскарликка бориб, "жанг майдонида шуҳрат қозониш"га қарор қилди. У Францияга қарши урушда қатнашди. Армияда ёмонлар даврасига қўшилиб, қонунбузарлик содир этди. Уни суд қилиб, Австралияга сургун қилишди.

Олис жанубий қитъага сафар азоб-уқубатли кечди. Африкани айланиб ўтиб, Яхши Умид бурни орқали йўлга тушишди. Маҳкумлар жўнатиладиган кема ҳамиша тиқилинч эди. Одамлар иссиқ, ташналик ва очликдан қийналишарди.

Австралияда бебош маҳкумлар қаттиқ жазоланишарди. Тартиб-интизомлилари эса ҳафтасига беш ярим кун эркин келгиндилар қўлида ишлашар, меҳнатлари учун ҳақ олишарди.

Бакли қурувчи бўлиб ишлай бошлади. "Қарийб уч ой ғишт тердим, – дея хотирлайди у. – Аммо хаёлимни ҳеч қочиш истаги тарк этмасди. Сиднейга етиб олсам дердим. Қўлга тушгудай бўлсам қаттиқ жазоланишимни, ҳатто қатл этилишим мумкинлигини яхши билардим". Дейлик, қўлга тушмаган тақдирда ҳам ёввойи қабилалар орасида ҳаёт кечириш осон кечмаслиги аниқ эди. Ҳар қадамда ўлим хавф соларди.

Аммо ёшлик бебошлик дейишгани тўғри. У оқибатни ўйлаб ўтирмади. қочишга қатъий аҳд қилди. Сургун қилинганлар орасидан ҳамфикрлар ҳам топилиб қолди. Тез орада тўртовлон қулай фурсатдан фойдаланиб қолишга аҳд қилишди.

## ДАҲШАТЛИ УЧРАШУВ

Ўшанда зим-зиё тун эди. Аммо соқчи қочоқларнинг ниятини сезиб қолди. Ўқ овози янгради. Маҳкумлардан бири қулади. Қолганлари қочишга муваффақ бўлишди. Икки соатлардан сўнг таъқибчилардан бутунлай қутулишди. Дарёнинг нариги қирғоғига сузиб ўтишди. Оч қолганларида соҳил бўйидаги чиғаноқлар билан озиқланишарди. Қийинчилик, очлик тез орада бошқаларнинг ҳовурини совитди. Фақат Баклигина аҳдида қатъий эди. Охири шериклари у билан хайрлашиб ортларига қайтиб кетишди.

Қочган куни кечга яқин Бакли узоқдан шох-шаббалардан қилинган чайлалари ёнида ўтирган австралияликларни кўриб қолди. Ёввойилардан бир нечтаси унга қараб юришди. Қўрқиб кетган Бакли ўзини дарёга отиб, нариги соҳилга сузиб ўтди. Туб жойликлар бахтига уни таъқиб қилишмади.

Бир куни Бакли дарё бўйида оғир ўйларга чўмиб ўтирганида ғўлдир-ғўлдир овозларни эшитди. Ўгрилиб қараса, орқасида найза кўтарган уч австралиялик туришарди.



Аборигенлардан бири унинг қўлидан ушлаб тортди. Қолганлари гоҳ қўшиқ айтгандай, гоҳ йиғлагандай овоз чиқаришар, кўкракларига уришарди. Ниҳоят Бакли уларнинг ортидан эргашиши кераклигини тушунди.

## ҚОНЛИ ТЎҚНАШУВЛАР

Шундай қилиб у асирга тушиб қолди. Аммо бу гал ҳам пайт пойлаб қочишга муваффақ бўлди. Яна ёлғизлик, машаққатли сарсон-саргардонлик бошланди. Қиличини қайраб қиш яқинлашар, ҳаво салқинлашиб, совуқ шамоллар эса бошланган эди. Баклининг кийим-кечаклари увадага айланиб бўлди. Пойафзали йиртилиб, титилиб кетди. Саломатлиги кундан-кун ёмонлашар, руҳи шунчалик чўкканди-ки, сургунга қайтишга ҳам рози эди.

Ҳатто изига қайтди ҳам. Фақат олдидан бошқа қабила вакиллари чиқиб қолишди. Мазкур қабила одамлари оқ танлиларни ўзларининг у дунёдан қайтиб келган марҳум қариндошлари деб билишаркан. Улар Баклини қайта тирилган Муррангурк исмли қабиладошлари деб ўйлашди.

У шу қабила аҳли билан яшай бошлади, уларнинг тилини, урф-одатларини, найза, бумеранг ва томогавкдан фойдаланишни ўрганди. Бакли вақт туйғусини йўқотиб қўйди, қочганидан буён қанча йил ўтганини эсломасди.



Бу австралиялик аборигенлар одамхўр экан. Қабилалар ўртасида арзимас сабабдан ҳам уруш чиқар, рақиблар бир-бирига умуман шафқат қилишмасди. Жанг тугагач, ғолиблар мағлуб қабила вакилларининг мурдаларини болталари билан бўлаклаб, ўзлари ейишар, итларига ҳам ташлашарди.

Австралияликлар асосан кўчманчи ҳаёт кечиришарди. Тутган ҳайвонларининг гўштини еяверишарди. Кенгуру, илонлар, калтакесаклар, ёввойи итлар, ҳатто каламушлар шу жумлага кирарди. Аборигенлар ўта иримчи бўлиб, масалан, ўлган қабиладошларининг буйрагини халтачага солиб тумор каби осиб юришарди. У ўзларини турли бало-қазолардан асрашига ишонишарди.

## ҚАЙТИШ

"Пахтакор" эса кеча Эроннинг яна бир жамоаси – "Зоб-Ахан" билан ўз майдонида кураш олиб борди. Пойтахтимиз жамоаси беллашувни кўтаринки кайфиятда ўтказиб, 2:0 ҳисобида устун келди ва ҳозирча 6 очко тўплаган ҳолда "А" гуруҳида пешқадамлик қилмоқда. Мухлисларнинг водийдаги нохуш кайфияти пойтахтга келиб анча кўтарилди. Кейинги учрашувларда пахтакорчиларга омад тилаб қоламиз.

Ёднома

**Инсон қачон, қай тариқа улғаяди? Бу саволга ҳар ким ўзича жавоб бериши мумкин. Кимдир ҳарбий хизматга борганда ўзини улғайган ҳисобласа, бошқалар қалбида ўтли муҳаббат пайдо бўлганида ўзини улғайган санайди. Дўрмонлик Мурод Шералиев аллақандай туйғулар оғушида улғаймади. Балки, ўша даврдаги машаққатли турмуш, пешонасига ёзилган тақдирнинг турли сўқмоқлари улғайтирди уни.**

# ҚАЛБЛАРДА МАНГУ ЯШАР

Ҳали ўйинқароқ болалик давридаёқ отаси – Шерали деҳқон билан ёнма-ён меҳнат қилишга, далада узун кетмон чопишга тўғри келди. Отаси турмушнинг ҳар қанча машаққатларига чидаб бўлса-да, ўғлини ўқимишли қилиб тарбиялашга аҳд қилган экан. Муродни Тошкентдаги халқ хўжалиги ҳисоби техникумига ўқишга юборди. Билимгоҳда иқтисоддан сабоқ олган Мурод Шералиев бирданига улғайгани йўқ. Ота ёнида деҳқончилик ишларига унча-мунча қарашишу, техникумда сабоқ олиб, жамоат ишларида фаол қатнашиш инсонни улғайтириб қўймайди, албатта. Муроднинг олдида ҳали қанчадан-қанча ҳаёт сўқмоқлари бор эди. Болалик, ёшлик орзулари замон талаби, тақозосига бўйсуниши, мамлакатимизга иқтисодчи тушунадиган ёш мутахассислар жуда зарур эди.

У ҳаёт сирларини илмдан излашга жазм этди. Техникумда олган сабоғи уни катта мактаб сари етаклаган эди. Шу тариқа у 1937 йили Самарқанд халқ хўжалиги институтида ўқишни давом эттирди.

Ҳаёт дарёга ўхшайди. Ўз ўзанини топиб оқаверади. Тақдир эса ўша жўшқин дарё тўлқинига жо бўлган бир томчи сувдек гап.

Мурод Шералиевни 1938 йили институтда ўқиб юрган кезлари ёшлар етакчиси сифатида ўша вақтдаги Самарқанд вилояти раҳбарлари чақириб қолишди. Улардан бири М. Шералиев билан юзма-юз суҳбатлашганидан сўнг, давлат хавфсизлиги ва ички ишлар органларида ишлаш учун ўт юракли, жамоат ишларида чиниққан, ўқишда аълочи бўлган ёшлар керак бўлиб қолди деб, Муродни шу соҳага ишга ўтишни таклиф этди. Мурод Шералиев ўзига билдирилган ишончдан хурсанд бўлиб ишга киришди. Ўша йили Ички ишлар Халқ Комиссарлиги Самарқанд вилоят бошқармасида таржимон, малака оширувчи сифатида уч ойча ишлаганидан сўнг мустақил ишга тайинлашди. Тезкор вакил бўлиб фаолият кўрсата бошлади. Унга бошқарма бошлиғи Сергей Калмиков устозлик қилди.

Оддий иш кунларидан бирида Калмиков Муродни ёнига чақириб, шундай деди:

– Кел, бугун иккимиз вазифамизни алмашайлик. Мен сенинг ўрнингга тушликка самарқандчасига палов тайёрлайман. Сен эса менинг ўрнимга сўроқ қилиш билан шуғулланасан. Биласанми, жиноятчи маккор бўлиши мумкин. Аммо, сен шиоримизни унутма: қалбинг қайноқ бўлса-да, ақлинг расо бўлсин!

Мурод иш билан обдон танишиб чиқди. Айблов далиллари кўп, тасдиқлангани ҳам етарлича. Гўё уни сўроқ қилиб ўтиришга ҳожат йўқдек. Айбланувчи ҳатто иқрор бўлиб имзо ҳам чеккан. М. Шералиев узоқ мушоҳада қилди. Қоғоздаги гаплар билан ҳаётдаги воқеалар ҳамиша бирдек мос келавермаслигини ўйлаб айбланувчини чақиртирди. Мурод унга зимдан тикилиб, секин сўради:

– Хўш, айбингизни биласизми ўзи?

Кутилмаганда йигит важоҳат билан бақирди:

– Ҳа, ҳа! Мен ватан хоиниман. Айбимга иқрорман. Марҳамат, отиб ташланг мени...

Бошқа бирор саволга жавоб олиб бўлмади. Мурод эса унинг ҳорғин чеҳрасига тикилиб туриб мулоҳаза қилди. Ўзига хос усулда иш тутди. Столида турган гулдор пиёлаларга чой қуйиб, бирини айбланувчига узатди. Ҳалиги йигит жуда ҳайрон бўлиб пиёлани қалтирабгина қўлига олди.

Шу пайт навбатчи Калмиков юборган лагандаги ошни келтириб столга қўйганди, Мурод кулиб шундай деди:

– Жуда соз. Энди, ошна, ошни ўзбеклар ҳеч вақт ёлғиз емайди, – дея рўпарасида умидсизликка тушиб ўтирган йигитни ошга таклиф этди. Бунақа илтифотни етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган айбланувчи ҳайрон қолди.



**Суратда: З. Есенбоев М. Шералиев билан.**
(Архивдан олинган сурат).

Сўнг, терговчининг ҳам таклифи, ҳам қистови билан яқинроқ сурилиб ўтирди. Лаганга қўл чўзаркан, ўксиб йиғлаб юборди. Ҳа, Мурод Шералиев мақсадига эришганди. Рўпарасида ўтирган йигит асли ким эканини усталик билан аниқлаб олди. У ҳеч қанақа жиноятчи ҳам, тухматчи ҳам эмаскан. Аксинча, ўзи бўлмағур тухматларнинг қурбони бўлаётган экан...

– Синовдан яхши ўтдинг, – деди ўша гаплардан сўнг устози Муроднинг елкасига қоқиб. – Сенга ишонса бўлади. Бу гаплар Мурод Шералиевга қанот бахш этди. Ўша кундан эътиборан у орзулари камол чўққисига эриша бошлаётганини ҳис эта бошлади.

Эҳ-ҳе, унинг ҳаётида қанчадан-қанча суронли воқеалар юз бермади, дейсиз. Муҳими, у қишлоқларда юриб, ҳақиқий ҳаёт билан юзма-юз бўлди. Турмушнинг залворли сўқмоқларини ўз кўзи билан кўрди. Ҳаёт уни чинакамига тарбиялади.

Иккинчи жаҳон уруши даври ҳақида узоқ гапириб ўтиришга ҳожат йўқ. Халқ ўз ҳисобидан миллий қисм ва бўлинмалар туза бошлади. 1941 йилнинг ноябрида миллий қўшин бўлинмаларини тузиш ҳақида ҳукумат қарор қабул қилди.

Хуллас, давлат хавфсизлиги хизмати ходими М. Шералиев ўша кундан эътиборан 99-кавалерия дивизиясининг махсус бўлими бошлиғи лавозимига тайинланди.

Унга жанговар фронтга бориш, бевосита урушда қатнашиш насиб этмаган. Иккинчи фронт бўлмиш – мамлакат ичкарисида жўшқин фаолият кўрсатди. У жанубий чегарада – республика Ички ишлар Халқ Комиссариати Сурхондарё вилоят бошқармасида ишлади. Кўплаб муҳим топшириқларни муваффақият билан адо этди.

Унинг ҳар бир куни, ҳар бир лавҳаси ўша суронли дамлар билан ҳамоҳанг эди. Урушнинг жуда оғир йилларида Мурод Шералиев Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги милиция Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Қорақалпоғистон автоном республикаси Ички ишлар вазири лавозимларида хизмат қилди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Ички ишлар вазирининг ўринбосари, Юстиция вазири, республика прокурори лавозимларида узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатди. Ҳаётининг сўнгги йилларида эса ўн уч йил Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасини бошқарди, ўзи севган соҳасида жуда кўплаб шогирдларни тарбиялаб вояга етказди.

Мурод Шералиевич республикамизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида хизмат қилиб, ўзининг бутун кучи, билими, қалб қўри ва тажрибасини давлат қонунчилигини ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга бағишлади. Бунда у қатъиятлилик, юксак ишчанлик фазилатларини намойиш қилди. Мурод акадаги бу олийжаноб хусусиятлар ўзига ва хизматчиларга нисбатан ўта талабчанлик ҳамда улкан ғамхўрлик билан уйғунлашиб кетган эди. У кишидаги инсонпарварлик, камтарлик, меҳмондўстлик, оилапарварлик, дўстларга садоқат ва меҳр-оқибат билан қараш, хизмат вазифасини суиистеъмол қилмаслик каби фазилатлари ҳаммани мафтун қилар эди.

М. Шералиев республиканинг ижтимоий ҳаётида ҳам фаол қатнашганди. Бир неча чақириқ Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон республикалари Олий Советининг депутатлигига сайланди. Унга 1957 йили "Адлиянинг Давлат маслаҳатчиси" ва 1965 йили ички хизмат генерал-майори унвонлари берилганди. Ватан олдидаги хизматлари учун қатор орденлар, ҳукуматнинг бошқа кўпгина медаллари, "Фахрий ёрлиқ"лари билан мукофотланган эди.

Элимизнинг асл ўғлони, Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги Дўрмон қишлоғида 1916 йили таваллуд топган генерал Мурод Шералиев 69 йил умр кўрган бўлса-да, ҳаётлигида ўчмас из қолдирди. У тарбиялаб, камолотга етказган шогирдлари бугунги кунда ИИВнинг турли лавозимларида ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идораларида фидокорона хизмат қилмоқдалар.

Адабиёт, санъат инсонни ҳамиша эзгуликка, гўзал ғояларга чорлайди. У киши мумтоз адабиётимизнинг дурдона асарларини кўп мутолаа қилар, мумтоз қўшиқларимизни севиб тингларди.

Мурод Шералиевич ватанимиз қўрғонини, қонунчиликни мустаҳкамлаш йўлида ўзига хос мактаб яратиб кетган ажойиб, улуғ инсондир. Зотан халқимиз бундай ўғлонларига ҳайкал қўяди, унинг номини абадий қалбда сақлайди. Ҳозир Мурод аканинг оиласи яшаб турган Юнусобод туманидаги ("Ўртоқ" фабрикаси ёнида) кўчага генерал Мурод Шералиев номи берилган. Қибрай тумани ҳокимияти ҳам махсус қарор чиқариб, у туғилиб ўсган Дўрмон қишлоғидаги катта кўчалардан бирини ва маҳалламизни унинг номи билан атаган.

**Зиёд ЕСЕНБОЕВ.**
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Беруний номидаги Давлат мукофоти соҳиби.*

# ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



**Туркия махсус хизмати ходимлари НАТОнинг минтақадаги штаб-квартирасига қарши қаратилган йирик террорчилик ҳаракатининг олдини олишди.**

## ТЕРРОРЧИЛИКНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

Маҳаллий матбуот хабарларига кўра, "Ал-Қоида" билан боғлиқ бўлган "Ансор Ал-Ислом" ташкилотининг бир гуруҳ экстремистлари Анқара ва Истамбулдаги АҚШ ҳамда Буюк Британия ҳарбий ваколатхоналари олдида портлашлар содир этишни режалаштиришган. Туркия ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилларининг фикрига кўра, режа Шимолий Атлантика ташкилотининг саммити Истамбулда ўтказилаётган пайти, яъни шу йил июнь ойининг охирига мўлжалланган. Баъзи маълумотларга қараганда террорчилардан бир нечта кучли портловчи қурилма, иккита гранатомёт олинган. Аксилтеррор операцияси чоғида 16 киши ҳибсга олинди.




Уларнинг аксари илгари қидирувда бўлганлардир.

Мамлакат парламенти террорчилик ҳаракати учун жазо чораларини кучайтириш масаласини кўриб чиқяпти. Шунингдек, полицияга қидирувдаги экстремистларни тутишга ўзларининг ҳар қандай хабар ва маълумотлари орқали ёрдам кўрсатган фуқароларни катта миқдорда пул билан мукофотлаш имконияти берилиши ҳам мумкин.

**Мамлакатнинг жанубий қирғоғи яқинида кема чўкиб кетди. Унинг бортида 150-200 киши: сайёҳлар ва Хон Хоай оролига экскурсияга бораётган ўқувчилар бор эди.**

## ВЬЕТНАМДАГИ ФОЖИА

Йўловчиларни қутқариш учун 4 та ҳарбий кема ва 40 та балиқчилик қайиғи йўл олди. Ҳозиргача 18 кишининг жасади топилди, 100 нафардан зиёд одам қутқарилди. Камида 40 киши бедарак йўқолган. Аниқланишича, ҳалокатга учраган кема балиқчилик шхунаси ҳисобланган. Унда йўловчи ташиш қатъиян тақиқланган. Шунинг учун кема эгалари бўлган эр-хотин полиция томонидан сўроқ қилиняпти.



Сербиянинг собиқ Бош вазири Зоран Жинжич Слободан Милошевични Гаага халқаро трибуналига топширгач, тез орада ўлдирилган эди. Яқинда унга уюштирилган суиқасднинг ташкилотчиси деб тахмин қилинаётган Милорад Ликович қўлга олинди.

* * *

Исроил ҳукуматида етакчи мавқега эга бўлган "Ликуд" партиясининг кўпчилик аъзоси мамлакат Бош вазирининг Ғазо секторидан қўшинлар ва яҳудийларни олиб чиқиш режасига қарши овоз беришди. Шунга қарамай Ариэль Шарон ўз ниятидан қайтмоқчи эмас.

* * *

Жаҳондаги энг бадавлат кишилар рўйхатида иккинчи ўринда турувчи АҚШлик Уоррен Баффет мамлакат президентлиги сайловида Демократик партия номзоди Жон Керрини қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Ҳозирги Калифорния губернатори Арнольд Шварценеггер ҳам унинг кўмагида ғолиб чиққан эди.

* * *

Яқинда Ажария парламенти мухтор республикада фавқулодда ҳолат эълон қилган эди. Шундан сўнг Грузия Президенти 10 кунлик муддат ичида Ажария Грузиянинг конституциявий раҳбарлиги остига қайтмаса, мухтор республика ҳукуматини тарқатиб юборишини билдирди. Ажарияни Грузиянинг бошқа ҳудудлари билан боғлаб турувчи кўприкнинг портлатиб юборилиши ўзаро муносабатларга янада салбий таъсир қилди.

## КИМЁВИЙ ЎҒИТЛАР ҚИДИРИЛЯПТИ

**Франциянинг шимолида пасха байрамлари чоғида ярим тоннадан зиёд аммоний нитрати ўғирланган. Аммо Онфлер портидаги омборхона маъмурияти бу ҳақида икки ҳафта давомида лом-мим демаган. Полиция йўқолган кимёвий ўғитларни қидиришга киришди. Тахминларга кўра, ўғирликка Испанияда фаолият кўрсатадиган ЭТА басклар экстремистик ташкилоти алоқадор бўлиши мумкин.**

Маълумки, дунёнинг турли чеккаларида террорчилик ҳаракатлари содир этишда бундай кимёвий моддадан фойдаланилган. Масалан, АҚШда аммоний нитрати асосида тайёрланган қўлбола бомба портлаши натижасида 170 га яқин одам ҳалок бўлган эди.



**Яқинда номаълум кимсалар Саудия Арабистонининг Янбу шаҳридаги қўшма нефть компанияларидан бирининг офисига кириб, ўқотар қуролдан ўт очишган эди. Натижада АҚШлик икки фуқаро ҳалок бўлди.**

## ҚЎПОРУВЧИЛАР МАҲВ ЭТИЛДИ

Яраланганлар орасида покистонлик ва канадалик фуқаролар ҳам бор. Расмий маълумотларга кўра 25 киши жабрланган. Воқеа жойига етиб келган хавфсизлик хизмати ходимлари жиноятчиларни бинони тарк этишга мажбур қилишди. Террорчилар автомобилларда шаҳарнинг турар-жой бинолари орасига яширинишга уринишди. Аммо полициячи уларни ўраб олишга муваффақ бўлди. Қўлга олиш чоғида икки нафар террорчи ўзини портлатиб юборди. Биттасини полициячилар отиб ташлашди. Тўртинчи қўпорувчини ярадор ҳолда қўлга олишга муваффақ бўлинди.




## ЯНА БИР ҚЎПОРУВЧИЛИК

Индонезиянинг Риау штати пойтахти Пеканбару шаҳрида кучли портлаш содир этилди. Натижада икки киши ҳалок бўлди, тўрт нафари эса турли даражада яраланди. Иккита бинога шикаст етган. Ҳозирча қўпорувчилик учун жавобгарликни ҳеч бир террорчилик гуруҳи ўз зиммасига олгани йўқ.

## ЧИЛИДА ЗИЛЗИЛА

Чилида Рихтер шкаласи бўйича 6,6 балли зилзила қайд этилди. Ҳозирча қурбонлар ва вайроналар ҳақида маълумот йўқ. Сейсмологик хизмат хабарига кўра, ер ости силкинишлари маҳаллий вақт билан соат 00.36 да юз берган. Зилзила маркази мамлакат пойтахти Сантьяго шаҳридан 510 километр жанубишарқда эди.

## ВАҲИМА ОҚИБАТИ

Бангладеш пойтахти Дакка шаҳридаги тикувчилик фабрикасида кўтарилган ваҳима натижасида 6 киши ҳалок бўлди, ўнлаб одамлар тан жароҳати олди. Маълум бўлишича, фабрика яқинида электр трансформатор портлаб кетган. Ходимлар портлаш корхона ичида содир бўлиб, ёнғин чиқди дея ваҳимага тушган кишилар ташқарига чиқишга шошиб, зинапояда олти нафар аёлни босиб ўлдиришди. Ўттиздан зиёд жароҳатланганлар касалхонага ётқизилди.

Берлиндаги хорижий фуқароларни рўйхатга олиш идорасида 25 ёшли бир йигит устига бензин сепиб ўзини ёқиб юборишга ҳаракат қилди. Йўлакда навбатчилик қилаётган полициячилар югуриб келиб, оловни ўчиришди. Йигит оғир куйиш жароҳати олиб, касалхонага ётқизилди. Полиция ходимларидан бири зарарланди.

* * *

Ироқнинг шимолидаги Мосул шаҳрида икки жангари йўл ёқасига портловчи қурилма ўрнатишга уринишди. АҚШ ҳарбийлари билан ўрталарида отишма бошлангач, жангариларнинг ўзлари портлаб кетишди.

* * *

Ҳиндистон полицияси Куролланган халқ армияси деб аталувчи ташкилотга қарши муваффақиятли операция ўтказди. Ҳайдаробод шаҳридан 300 км. узоқликда бу ташкилотнинг тўрт нафар жангариси йўқ қилинди. Полициячилар сафида йўқотишлар йўқ.

**Бу автофалокат эрта тонгда содир бўлди. Норвегиянинг Хенефосс шаҳрида салонида россиялик сайёҳлар бўлган автобус ағдарилиб кетди. Маҳаллий полициянинг маълумотларига қараганда, унда 44 киши бўлган. Тўрт нафар сайёҳ турли даражадаги тан жароҳатлари билан касалхонага ётқизилдилар. Бошқаларга воқеа жойида тиббий ёрдам кўрсатилди.**

**Ҳозирча ҳайдовчи автобусни бошқаролмай қолгани, натижада автоулов йўлдан чиқиб ағдарилиб кетгани ойдинлашди. Автофалокатнинг бошқа сабаблари аниқланмоқда.**



Турмуш чорраҳаларида

# ЧИМИЛДИКДАН ҚАЙТГАН ҚИЗ

Уйлантираётган ўғли бошқа бир қизни олиб қочиб келганини билган Мадраимбойнинг жазаваси тутиб, унинг гирибонидан олди.

– Бунга қандай журъат этдинг, аҳмоқ?!

– Юз марта айтдим сизга севганим бор деб, лекин қулоқ солмадингиз. Мажбур бўлдим олиб қочишга.

– Ахир эртага хонадонга келин келади-ку! Қудаларга қай кўз билан қарайман, буни уларга қандай айтаман! – аламзада бақирди ота.

Ўғил билмай айб иш қилиб қўйган боладек бошини эгди. Воқеадан хабар топган қариндош-уруғлар ҳангу-манг бўлиб қолишди. Ҳамма бирор чорасини топиш ҳақида бош қотира бошлади. Мадраимбойнинг Ашхободдан келган опаси Шамсиябону масалани осонликча ечиб ташлади.

– Нимага гап-сўздан қўрқасанлар. Мана, мен уч марта эрга тегиб чиқдим. Балоям ургани йўқ. Энг муҳими, мақсадга етиш керак. Шокиринг бошқасини хоҳлаган экан, унга аталганини Зокирингга олиб бериб, қўшалоқ тўй қилмайсанми, нодон укагинам. Менинг ҳам Туркманистондан келиб-кетишим осон эмас, – деди у дона-дона гапириб.

– Айтишга осон. Қудалар бунга кўнишмаса-чи? – оғриқдан зўрға гапирди Мадраимбой.

– Сен қилган сарф-харажатларингни талаб қилсанг, уларнинг рози бўлишдан бўлак чораси қолмайди. Тўй чиқими ҳар қандай одамни ҳам эсанкиратиб қўяди, – деди Шамсиябону.

Зокир отасига қарши боролмади. У рози эканлигини билдириб, бир шарт қўйди: "Қиз ёқмаса тўйдан кейин жавобини бераман".

– Сен уйланавер, уёғи бир гап бўлар, – муғомбирона жилмайди аммаси.

Кутилмаган таклифни эшитган бўлғуси қуда Онабиби ҳам бир зум гарангсираб қолди.

– Отаси ҳаёт бўлганларида... – кўзига ёш олди у.

– Албатта, эркак киши оиланинг устуни. Аммо бугун барчасига ўзингиз масъулсиз. Шокир юзимизга оёқ босганидан биз ҳам куяяпмиз. Ўйлайманки, сизнинг қизингиз эсли-ҳушли, оқила. Ҳар икки томон одамларни тўйга айтиб қўймаган бўлса ҳам майли эди, – деди Шамсиябону аёлга далда, шу билан бирга қилинган харажатларга урғу бериб.

Мадраимбой индамади. У ўзини оғир жиноят қилиб, дор остида ўтиргандай ҳис қилди. Аёл аста ўрнидан қўзғалиб, тўйга тараддуд кўраётган қизининг олдига кирди. Маржон онасининг тушкун кайфиятини кўриб қўрқиб кетди.

– Тинчликми?

– Улар куёвни алмаштиришибди, – деб онаси йиғлаб юборди. Маржон ҳамма гапдан воқиф бўлгач онаси ўйлаганидек, ҳар кимга бир осилиб, дод-вой солмади. Онасининг оқ оралаган сочларини оҳиста силаб, унсиз йиғлади, холос...

Мадраимбойнинг оиласи яшаётган ҳудуд профилактика инспектори, милиция лейтенанти Илҳом Жабборов посбонлар билан қилинадиган ишларни маслаҳатлашиб олгач, уларга жавоб берди. Сўнг боядан бери таянч пункти биноси атрофида ўралашиб юрган одамни чақириб, хонасига бошлаб кирди.

– Менда гапингиз бор, шундайми? – сўради ундан.

– Йўқ, ҳа, ҳа, – дудуқланди "гуноҳкор".

– Сизни кечадан бери кузатаман. Шу ерга келиб, олдимга кирмоқчи бўласиз-у, нимадандир ийманасиз. Ўтган куни ҳам дўконга борганимда дуч келиб қолган эдик. Машинагача орқамдан келиб, индамай кетиб қолдингиз. Тинчликми ўзи? – сўради инспектор.

– Айтадиган гапим кўп, лекин юрагим бетламайди.

Инспектор кулди, сўнг чой қуйиб узатар экан:

– Яхшиси, ўз ҳақингизда гапириб беринг. Айни қирчиллама ёшдасизу, мункиллаб қолган чолга ўхшайсиз. Тўғрими, Тоживой ака? – деди.

– Мени танийсизми? – юзига қон югурди Тоживойнинг.

– Ўтмишингизни билмасам-да, ўзингизни яхши танийман.

– Отам эрта ўтиб кетганлиги боис, саккизинчи синфни тугатгач, мактабдан қолиб кетдим. Далага чиқиб, онамга ёрдамлашдим. Мен ўрадаги дориланган сувга тушиб, чигитларни эзардим. Кейинроқ эса тракторда пахталарга дори сепдим. Бригадирнинг руҳлантирувчи гапларидан ғурурланиб, ҳатто ҳимояловчи кийимларни ҳам киймасдим. Оқибатини ўзингиз кўриб турибсиз. Тишларим тўкилиб, сочларим оқариб, қаддим букилиб, шу ҳолга тушдим, – деди Тоживой бироз енгил тин олиб.

– Агар мендан ёрдам керак бўлса, тортинмай айтаверинг, – деди инспектор.

– Тўрт йилдан бери виждон азобида қийналаман. Бугун Мадраимбой тўй қилаётганини эшитиб, яна эзилиб кетдим, – деб оғир хўрсинди Тоживой.

– Яхшиси, бир бошдан гапиринг.

Инспектор шундай дея унинг қаршисига ўтиб ўтирди. Тоживой секин сўз бошлади.

– Бундан тўрт йил олдин баҳорги қизғин иш кунларининг бирида ўғлим бир молини йўқотиб келди. Қўрқувдан қалтираб турган боламга тасалли бериб, ўзим излай бошладим. Ёшлигимда мол, қўй боққаним учун даланинг ҳар бир қаричи яхши таниш эди. Молни излаб тўғри тўқай томон юрдим. Қоронғи тушиб қолган, дарёга яқинлашган сайин салқин ҳаво баданни жунжиктирарди. Анча юргач заҳкашлардан кесиб ўтиб, қирғоққа яқинлашдим. Юлғун ва қамишларни оралаб бораётганимда бирдан "кўтар, кўтарсанг-чи" деган овоз келди. Оёғим устида ўтирганча овоз келган томонга мўраладим. Шарпалар аниқ кўринмаганлиги боис қизиқиб, пусиб бордим-да, секин кузатдим. Мадраимбойнинг ўғли Зокир ўликнинг бош тарафидан, аёл киши эса оёғидан кўтариб чуқурга ташлашди.

Жасад қулаётганда унинг юзи ой ёруғида аниқ кўринди. Бу Онабибининг эри Қосим эди. У ишдан кейин дарё бўйига чиқиб балиқ овлар, йўловчи бўлса қайиғида дарёдан ўтқазиб қўйиб, чойчақа ишларди. Тамоман қўрққанимдан дамим ичимга тушиб, ҳатто нафас олганимни ҳам эслай олмайман. Ўзимга келсам, улар ўтирган қайиқ кўздан ғойиб бўлибди. Молга ҳам қарамай орқамга қараб чопдим. Молни-ку



болам эртаси куни топиб келди. Бечора Онабиби тўрт йилдан бери эшик тиқ этса кўчага қарайди. Ҳамон кўзлари йўлда. Гоҳо қўрқоқлигим учун ўзимдан ўзим нафратланиб кетаман. Маржон ўз отасининг қотилига турмушга чиқаётганини эшитиб жим туролмадим. Бу сир бари бир бир кун ошкор бўлади. Ҳеч бўлмаса шу қизнинг ҳаёти ғурбатда ўтиб, бахти кемтик бўлмасин...

Профилактика инспектори Тоживойга бу ҳақда бошқа ҳеч кимга айтмасликни тайинлаб, шу заҳоти туман милицияси бошлиғига учрашди ва қотиллик ҳақида ахборот берди. Бошлиқ прокурор билан маслаҳатлашди.

– Ўзингиз тушунасиз, бугун қўлга олмасак эртага жуда кеч бўлади. Чунки келин бўлмиш қизнинг келажагини ҳам ўйлашимиз керак, – деди бошлиқ босиқлик билан тушунтирар экан.

– Билиб қўйинг, вақтингиз жуда оз. Етарли асос бўлмаса мен қўлга олиш учун санкция беролмайман. Эртага тўйимни бузишди, деб устимиздан арз қилишади, – уқтирди прокурор.

Тўйнинг қизғин палласида тезкор гуруҳ қидирув ишларини бошлаб юборди. Милиция ходимларининг "тўрт оёқли дўстлари" ҳам тумшуқларини ердан кўтармай зир югуришарди. Ниҳоят итлардан бири ғингшиб, тирноқлари билан ерни титкилай бошлади. Иккинчи ит ҳам шу ерга келиб исканди-да, тупроқни титкилашга тушди. Ходимлар дарҳол ишга киришишди. Белкурак нимагадир урилди. Тупроқ оҳиста тортилди. Чироқ ёғдусида суяклар кўринди. Одам скелети чуқурдан чиқариб олинди. Воқеа жойига прокурор ҳам етиб келди...

Мадраимбойнинг хонадонида тўй тугаб, меҳмонлар тарқалаётган, янгалар эса чимилдиқ ҳозирлигини кўришаётганда милиция ходимлари мезбонларни безовта қилишди.

– Куёв бўлмиш Зокир Абдураимов фуқаро Қосим Авезовнинг ўлимида гумонланиб, ҳибсга олинади. Прокурор санкция берган.

Шу сўзлар эшитилиши билан уйда қий-чув бошланди. Зокир молхона орқали қочишга уринди. Бироқ эҳтиёт чоралари кўрилгани боис нияти амалга ошмади. Шу заҳоти қўлга олинди. Янгалар қизни ўраб-чирмаб олиб кетишди. Мадраимбойнинг қон босими кўтарилиб, ўтирган жойидан туролмай қолди. Зокир бўлимга етиб келмасданоқ йўлда қилмишини гапириб берди.

– Ўша куни мендан икки ёш катта мактабдошим Амат Солиевни шом пайти эски дала шийпони ёнида учратиб қолдим. У қорадори олди-сотдиси билан шуғулланар, милиция ходимлари изига тушганда қочишга муаффақ бўлган эди. Унга нисбатан қидирув эълон қилинганди. Мендан дарёнинг нариги томонига ўтказиб қўйишимни илтимос қилди. Рози бўлдим, унга аёллар кийимини топиб кийдирдим. Кейин дарё бўйига бориб, Қосим акадан: "Нариги томонга ўтказиб қўйинг, нозик меҳмоним билан маишат қилиб келаман", – деб илтимос қилдим. Албатта, мўмай пул ҳам ваъда қилдим. Қосим ака дарров рози бўлди. Мен "аёл"ни бошлаб келиб қайиққа чиқардим. Шу пайт Қосим ака уни таниб қолиб: "Бу муттаҳамни милицияга топшириш керак!" деб бақирди. Мен: "Секинроқ гапиринг" дейишим билан, "Сени ҳам қўшиб қамаш керак" – деб бўйнимга осилиб, ерга ағдарди-да, дўппослай бошлади.

Бир пайт устимдан шилқ этиб ёнбошга ағдарилди. Қарасам, Амат қўлида эшкак кўтариб турибди.

– Нима қилиб қўйдинг? – бақирдим мен. У индамай ёнимга келди ва спорт кийимининг ипини ечиб олдида, чалажон Қосим аканинг бўйнига солиб, бирпас тортиб турди.

Сўнг қайиқдан темир-терсак олиб, чуқур кавлаб, жасадни кўмиб ташладик. Менинг ўлдириш ниятим йўқ эди. Амат ҳам узоқ қочиб юролмади. Қўлга тушиб, ўн бир йилга қамалиб кетди. Уч йилдан сўнг амнистия туфайли озодликка чиқди. Ҳозир икки гектар ер олиб, пудратчи бўлиб ишлаб юрибди. Ҳар замон "гулласанг ўлдираман", деб қўрқитишни канда қилмайди.

Тонг отишига саноқли дақиқалар қолганда Аматни ҳам иссиқ ўрнидан турғизиб, бўлимга олиб келишди.

Мунаввар тонг отди...

**Д. ХУДОЙШУКУРОВ.**

# Эгамберди Жўрабекович ОСТОНОВ



Ички ишлар идоралари фахрийси, иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, истеъфодаги милиция полковниги Эгамберди Жўрабекович Остонов 83 ёшда вафот этди.

Э. Остонов 1921 йилда Хоразм вилояти Хонқа туманида туғилган. Ўрта мактабни битириб, олий ўқув юртларидан бирига кириш орзусида юрганида иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолади. 1941 йилда фронтга жўнатилиб, 1947 йилгача ҳарбий хизматда бўлади. Ички ишлар идораларидаги хизматни 1947 йилда Тошкент вилоятининг Пискент туманида бошлайди. Кейинчалик Оққўрғон тумани, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарлари ички ишлар бўлимларида тезкор вакил бўлиб ишлади. 1954 йилдан 1957 йилгача Тошкент вилоятининг Ўртасарой тумани милиция идорасига раҳбарлик қилди. 1957 йилда Тошкент вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари этиб тайинланди. Вилоятда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш ва осойишталикни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшиб, республика ҳукумати ва Ички ишлар вазирлигининг бир қатор мукофотлари билан тақдирланди.

1970 йилда республика ИИВ раҳбарияти унга катта ишонч билдириб, вазирликнинг хўжалик бошқармасига бошлиқ этиб тайинлади. Э. Остонов бу лавозимда ҳам кўп йиллик тажрибаларини ишга солиб, масъулиятли раҳбар эканлигини кўрсатди. 1982 йилда кексалик нафақасига чиқди.

Э. Остонов иродали, ҳамкасблари, сафдошларига содиқ дўст, шогирдларга меҳрибон устоз эканлигини кўп марта намойиш этди. Оилада фарзандларини жамият ишига доимо тайёр кишилар этиб тарбиялади.

Кўпларнинг устози, самимий инсон Эгамберди Жўрабекович Остоновнинг порлоқ хотираси қалбимизда яшайди. Унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши.**

---

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши, ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги генерал-майор

**Қидирбой АЛИЕВнинг**

бевақт вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

---

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ ЖИЭБ муассасаси махсус контингентлар ўртасида тарбиявий ишлар олиб бориш бўлимининг туркум бошлиғи, ички хизмат капитани

**Ҳикматилла ШАРИПОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

---

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ катта тезкор вакили, милиция майори Ф. Норбоевга отаси, ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги милиция майори

**Собир НОРБОЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

## Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигига



*Қушдай учиб қучоғингдан дунё кездим,*
*Қанча олис кетсам шунча қадринг сездим.*
*Кезиб-кезиб топганларим Соғинч бўлди,*
*Қайда юрсам ёди меҳринг овунч бўлди.*
*Айланайин қора қошу кўзингдан-а,*
*Ўзингдан қўймасин, халқим, ўзингдан-а!..*

# ШОИРГА ЭҲТИРОМ

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ички қўшинлар Бош бошқармасининг майор И. Ниёзов раҳбарлик қилаётган ҳарбий жамоасида шахсий таркиб ҳамда аскарларнинг билим савиясини ошириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда жамоада бўлиб ўтган марҳум, халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигига бағишланган хотира тадбири ҳам ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилиши шубҳасиздир.**

Тадбирни ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, капитан Фахриддин Тўйчиев очиб, марҳум Муҳаммад Юсуф билан боғлиқ хотираларидан гапирди ва унинг шеъриятдаги ўрни ҳақида ўз муносабатларини билдирди.

Сўзга чиққан Бошқарма ШТБИ бўлими бошлиғи, подполковник Шуҳратжон Ортиқов Муҳаммад Юсуф ижодидаги ўзига хослик ҳақида сўзлар экан, Ватанга садоқат, уни асраш, авайлаш, мустақиллигимизнинг барқарорлиги, эркимиз учун жон фидо қилишга тайёр туриш каби оташин туйғуларнинг ниҳоятда кучлилигини алоҳида таъкидлади.

Тантанага таклиф қилинган меҳмонлардан "Туркистон" газетасининг Бош муҳаррири Салимжон Ашуров дўсти ва устози Муҳаммад Юсуфнинг ҳаёти, ижоди, шеърияти билан боғлиқ воқеалар ҳақида қизиқарли хотираларини сўзлаб берди. "Ангрен ГЭС" ишчиси, шоира Мавлуда Темирбекова, капитан Фахриддин Тўйчиев, оддий аскарлардан Ҳасанбой Холматов, Олимжон Бакиров ва бошқалар Муҳаммад Юсуф ижодидан намуналар ҳамда шоирга бағишланган ўз шеърларидан ўқиб бердилар.

Тадбир йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

**Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА.**

**Андижон вилояти ИИБ раҳбарияти ташаббуси билан бир гуруҳ ички ишлар ходимлари Муҳаммад Юсуф туғилган хонадонга ташриф буюрдилар. Улар шоирнинг онаси — Энахон ая Сотволдиева ва унинг оила-аъзолари, мактабда билим берган устозлари билан учрашиб суҳбатлашдилар. Шоирнинг синфдошлари билан болалик ва ўсмирлик йилларини хотирладилар.**

**Вилоят ИИБ ШТБИХ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги О. Йўлдошев Энахон аяга вилоят ички ишлар бошқармасининг эсдалик совғасини топширди.**

**Ташриф сўнгида Муҳаммад Юсуф қабри зиёрат қилиниб, Қуръон тиловат қилинди.**



Суратда: *Андижон вилояти ИИБ бир гуруҳ ходимлари шоир туғилиб ўсган хонадонда.*

**Б. КЛЕЙМАН олган сурат.**

## ШЕЪРИЯТ БАЙРАМИ

**Сурхондарё вилояти ИИБда шоир Муҳаммад Юсуфнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда вилоят ИИБ раҳбарияти ва барча шахсий таркиби иштирок этди.**

Адабиётшунос олимлар Парда Алимов ҳамда Нормат Йўлдошевлар шоирнинг ҳаёт йўли ва ўзбек шеъриятида тутган ўрни тўғрисида гапирдилар. Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг масъул котиби, шоир Шафоат Раҳматулло Термизий Муҳаммад Юсуф тўғрисидаги хотираларини гапириб, шоирнинг шеърларидан ўқиб, эшиттирди. Термиз Давлат университети доценти Абдурайим Турсунов ижро этган Муҳаммад Юсуф шеърлари билан айтилган қўшиқлар гулдурос қарсаклар билан қарши олинди.

Учрашув шеърият байрамига айланиб кетди. Ички ишлар бошқармаси ходимлари ҳам шоирнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида илиқ фикрлар билдирдилар ҳамда шеърларидан намуналар ўқидилар.

Тадбир сўнггида вилоят ИИБ ШТБИХ бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат полковниги С. Чориев раҳбарият ва шахсий таркиб номидан учрашув қатнашчиларига самимий миннатдорчилик изҳор қилди.

**Собир НОРМУРОДОВ,**
*милиция майори.*

## МУҲАММАД ЮСУФ ХОТИРАСИГА

*Эй бешафқат ўлим, шафқатсиз ўлим!*
*Бир оз яшамоқни қилмади насиб.*
*Қаттиқ соғинаман, қўмсайди кўнглим,*
*Жаннатларда юринг, Муҳаммад Юсуф.*

*Сизга ичиккандай келар ҳар баҳор...*
*Топмайин гоҳида тортиб кўяр уф.*
*Қалдирғочлар йўқлар айвонда саҳар,*
*Жаннатларда юринг, Муҳаммад Юсуф.*

*Боғларга чиқаман соғинч етаклаб,*
*Ёдимга соладй капалак учиб.*
*Онам дуо қилар ҳар тонг, эрталаб:*
*"Жаннатларда юринг, Муҳаммад Юсуф".*

*Элликка кирсангиз бўлмасмиди сиз,*
*Соғинчингиз яшар юракни эзиб.*
*Ариқлар бўйидан қутлайди ялпиз:*
*"Жаннатларда юринг, Муҳаммад Юсуф".*

**Фахриддин ТЎЙЧИЕВ,**
*капитан.*

## Хотира ва Қадрлаш кунига

# КРИПТОГРАММАЛИ КРОССВОРД



**Азиз муштарийлар! Маънолари қуйида таърифлаб берилган 14 та номни топиб, уларни шаклнинг етти катакли қаторларига энига ёзиб чиқинг.**

1. Таниқли ўзбек академиги. 2. "Генерал Раҳимов" фильмининг режиссёри. 3. "Ўтган кунлар" фильмида Юсуфбек ҳожи образини яратган актёр. 4. Ўзбекистон халқ шоири, ғазалнавис 5. Буюк адиб, ўзбек романчилигининг асосчиси. 6. Биринчи ўзбек кинооператори. 7. Навоий театрининг Хива зали безакларини ишлаган машҳур наққош. 8. Атоқли ўзбек археологи, академик. 9. Ўзбекистонда биринчи бўлиб юрак ва қон томирлари операциясини ўтказган таниқли жарроҳ. 10. "Кўрган кечирганларим" номли биографик романнинг муаллифи. 11. Хоразмлик буюк ўзбек олими. 12. Адабиётшунос олим, журналист, драматург. 13. Шу йил март ойининг сўнгги кунлари хизмат вазифасини бажараётган вақтда мардонавор ҳалок бўлган милиция сержантининг фамилияси. 14. "Алишер Навоий" фильмида бош ролни ижро этган ўзбек актёри.

**Кросворднинг жавоблари тўғри топиб ёзилса, диагонал қаторларнинг белгилаб қўйилган катакларида Ўзбекистон милициясининг пойтахт вилояти ва Тошкент шаҳрининг ички ишлар идораларига раҳбарлик қилган генераллардан иккитасининг фамилияларини ўқийсиз.**

### КРИПТОГРАММА

**Маънолари матнда баён этилган очқич сўзларни топиб, уларнинг ҳарфларини шаклнинг чекка катакларидаги тегишли рақамлар остига ёзиб чиқсангиз, криптограммада классик шоир ХУСРАВ Деҳлавий қаламига мансуб шеърий ҳикматлардан бирини билиб оласиз.**

### ОЧҚИЧ СЎЗЛАР

I. Қолдирай десанг жаҳонда
яхши 4,9,3
Яхшилик қил,
яхшилик қилгил мудом.
(Абдураҳмон Жомий)

II. Эл-юртга танилган яхшиларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш – 10,15,12,19,11,15,8.

III. Ўзбек классик адабиётининг йирик вакили, шоир, тарихчи, олим, саркарда – 16,9,16,13,19.

IV. Ўтганлар ҳақидаги ёдда сақланган таассуротни эсга тушириш – 7,9,18,2,19,15.

V. Хотира ва қадрлаш куни ўтказиладиган ойнинг номи – 3,15,17.

VI. Яхши ном қолдирганларнинг шахсини, хизматларини, инсоний фазилатларини эслаб ёзилган мақола – 14,12,4,9,3,15.

VII. Азиз ва мукаррам инсонларнинг қабрларини бориб кўриш – 20,2,14,19,15,18.

VIII. Чечак – 5,13,11.

IX. Ҳафтанинг еттинчи куни – 6,1,8,15,4,16,15.

**Тузувчи Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ.**

**ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССЧАЙНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**Бўйига:** 2. Полимер. 3. Бетон. 4. Марафон. 7. Рақиб. 8. Доира. 12. Пирамон. 13. Аксиома. 16. Суғур.

**Энига:** 6. Шумахер. 8. Доривор. 9. Равон. 10. Сурон. 11. Кураш. 12. Питра. 14. Андалиб. 15. Акробат.

**Ёйлар бўйича:** 1. Байрут. 5. Дафтар. 17. Ананас. 18. Қасида.

**Айланма катаклар бўйича занжир ҳолида:** 19. Дол. 20. Лев. 21. Вал. 22. Лангар. 23. Ром. 24. Ман. 25. Наф. 26. Фарида. 27. Амр. 28. Рур. 29. Рок. 30. Кабина. 31. Анд. 32. Дук. 33. Куз. 34. Зумрад. 35. Ном. 36. Мадрид. 37. Дуб. 38. Борлиқ. 39. Қуш. 40. Шарбат. 41. Ток. 42. Казеин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Bosh muharrir Shuhrat MURODOV

Nashr uchun mas'ul Erkin SATTOROV
Navbatchi Qobiljon SHOKIROV
Mas'ul kotib Rahmatilla BERDIYEV
Sahifalovchi Zokir BOLTAYEV

TELEFONLAR: Bosh muharrir o'rinbosari 139-75-69. Kotibiyat 139-73-88. muxbirlar bo'limi 139-77-23, 59-27-15. Buxgalter 139-75-37. Faks 132-05-51.

E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.

GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN

Buyurtma J-000200. Bosilish — ofset usulida. Hajmi — 4 bosma taboq. 52151 nusxada chop etildi.

• Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart
• Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.
• Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180 Tashkilotlar uchun — 366

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosishga topshirish vaqti — 20.00. Bosishga topshirildi — 20.00.

Toshkent matbaa kombinatida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Ⓝ —Internet va xorijiy matbuot vositalarii asosida tayyorlandi.